

ҚАРОРИ
QARORI

Тошкент ш.
Toshkent sh.

2023 йил 23 май

№ 9 – 4

Хўжалик шартномаларини тузиш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Касаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Уставига асосан Федерация ва унинг ҳудудий Кенгашларида хўжалик шартномалари билан ишлашнинг ягона тартибини белгилаш, бу борада қонун талабларининг тўлиқ ва тўғри қўлланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ижроия қўмитаси **қарор қилади**:

1. “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва унинг ҳудудий кенгашларида хўжалик шартномаларини тузиш Тартиби” (кейинги ўринларда – **Тартиб** деб юритилади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. **Тармоқ касаба уюшмаларининг Республика кенгашларига** мазкур қарорнинг 1-банди билан тасдиқланган **Тартиб**дан келиб чиққан ҳолда Республика кенгаши ва унинг қўйи бўғинлари учун хўжалик шартномалари тузиш тартибини ишлаб чиқиш;

Федерациянинг ҳудудий Кенгашларига хўжалик шартномаларини тузишда мазкур қарор билан тасдиқланган **Тартиб**га қатъий риоя қилиш вазифалари топширилсин.

3. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг 2021 йил 6 сентябрь “Хўжалик шартномаларини тузиш тартиби тўғрисида”ги 3-6-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Б.Махмадалиев, Юридик бўлими мудири Х.Премкулов, Молия бўлими мудири Ж.Ҳамзаевлар зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси раиси


К.Рафиқов

**Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва унинг
худудий Кенгашларида хўжалик шартномаларни тузиш
ТАРТИБИ (янги тахрирда)**

I. Умумий қоидалар

1. “Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ва унинг худудий Кенгашларида хўжалик шартномаларини тузиш Тартиби” (кейинги ўринларда – **Тартиб** деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, хўжалик шартномалари тузиш тартибини белгилайди.

2. Шартнома тузиш зарурлиги, яъни маҳсулотлар (хизматлар) сотиб олиш учун шу масаланинг ташаббусқори (маҳсулотлар (хизматлар)га эҳтиёжманд) бўлган бўлим, хизмат, марказ, ишлар бошқармаси, автогараж (кейинги ўринларда – **Бўлим** деб юритилади) раҳбари Федерация раиси (худудий Кенгашларда Кенгаш раиси) номига ёзма равишда билдириш хати киритади. Унда шу маҳсулотлар ёки хизматларга (кейинги ўринларда – Маҳсулот деб юритилади) бўлган эҳтиёжнинг сабаби, харид қилиниши лозим бўлган маҳсулотлар (хизматлар)нинг миқдори кўрсатилиши шарт.

3. Тартиб билан қамраб олинмаган муносабатларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари қўлланилади.

II. Шартнома лойиҳасига қўйиладиган талаблар

4. Қонун талабларига кўра шартнома лойиҳасида қуйидагилар шартлашилиши лозим:

шартнома тарафлари (контрагентлари)нинг тўлиқ номи, манзили ва банк реквизитлари;

шартномани имзоловчи шахсларнинг лавозими, фамилияси, исми, шарифи (агар ишончнома асосида имзолаш ҳуқуқидаги шахс бўлса ишончномани берган ташкилот (шахс)нинг номи (фамилияси, исми, шарифи), ишончноманинг рақами, берилган сана ва амал қилиш муддати;

шартнома предмети (Маҳсулот), унинг миқдори, ассортименти, шартнома предметининг баҳоси; шартномани бажариш муддатлари, ҳисоб-китоб қилиш тартиби;

тез бузилувчи маҳсулотлар (озик-овқат, дори-дармон ва шу қабила) харид қилиш тўғрисидаги шартномаларда маҳсулотнинг яроқлилиқ муддати;

Маҳсулотнинг сифатига, яроқлилигига сотувчи томонидан бериладиган қафолат. Қафолат муддати даврида зарур бўлганда, сифатсиз товарни алмаштириш, кўрсатилган хизматнинг камчиликларини бартараф этиш тартиблари;

тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мазкур мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги, шартномани бекор қилиш тартиби;

низоларни ҳал этиш тартиби (шу жумладан, судловга тегишлилик);

шунингдек, муайян турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг ёзма талабига кўра ўзаро келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартлар.

Дастлабки, яъни, ўзи асосий шартнома бўлиб, унда қайд этилган Маҳсулотларни узоқ муддат мобайнида заруриятга қараб тегишли миқдорларда шу контрагентдан харид қилишни белгиловчи шартномаларни тузишда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 361-моддаси қоидалари қўлланилади.

5. Шартнома лойиҳасида Тартибнинг 4-бандида кўрсатилган шартлардан бирининг мавжуд бўлмаслиги унинг амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Тартиб талаблари бузилиши ҳисобланади ва шартнома лойиҳасини қайта кўриб чиқиш учун оферент (шартномани тақдим этган тараф)га қайтариш учун асос бўлади.

6. Шартнома лойиҳасида ҳисоб-китоб қилиш тартиби белгиланаётганда имкон қадар Маҳсулотлар қийматининг 50 (эллик) фоизидан ошмаган миқдорда дастлабки тўлов қилинишини, узил-кесил ҳисоб-китоб эса Маҳсулотлар тўла етказиб берилгандан (хизматлар кўрсатилгандан) кейин унинг сони ва миқдорига эътирозлар бўлмаган тақдирда амалга оширилишини келишиб олиш лозим, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

7. Қонунчиликда нотариал тартибда ёки аукцион савдоларида расмийлаштирилиши, шунингдек давлат рўйхатидан ўтказилиши мажбурийлиги белгиланган шартномаларга нисбатан тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидалари тадбиқ этилади.

III. Шартнома лойиҳалари бўйича танлов ташкил этиш

8. Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ёки унинг ҳудудий Кенгаши раисининг ташаббуси билан шартномалар танлов асосида тузилиши мумкин, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

9. Танлов ҳақида оммавий ахборот воситаларида ҳамда/ёки ижтимоий тармоқларда, танлов ўтказилишидан камида 5 (беш) банк иш кун аввал тегишли эълон берилиши шарт. Эълон матнини тайёрлаш ва уни оммавий ахборот воситаларига ва/ёки ижтимоий тармоғига жойлаштириш учун, шу маҳсулотларни (хизматларни) харид қилиш ташаббускори бўлган Бўлим раҳбари масъул ҳисобланади.

10. Танлов ташаббус билдирган раҳбар томонидан тасдиқланадиган таркибдаги комиссия томонидан амалга оширилади. Комиссия таркибига юридик хизмат ходимининг киритилишига йўл қўйилмайди.

11. Комиссия йиғилиши танлов учун камида иккита тижорат таклифи келиб тушган вақтда ўтказилади.

12. Маҳсулот харид қилиш юзасидан эълон берилган ҳолларда комиссия йиғилиши эълонда белгиланган муддатларда ўтказилади. Эълон бўйича

белгиланган муддатларда икки ва ундан ортик тижорат таклифи келиб тушмаса, мазкур Тартибнинг 9-бандида келтирилган тартибда қайта танлов эълон қилинади. Такрорий эълондан кейин ҳам биттадан ортик таклиф тушмаган тақдирда комиссия мавжуд (битта) таклифни кўриб чиқиши мумкин.

13. Комиссия хулосаси йиғилишда аъзоларнинг учдан икки қисми иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Комиссия қарори иштирок этувчиларнинг тасдиқлаш ҳақидаги кўпчилик овози билан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади.

14. Шартнома тузиш бўйича танлов тайинланмаган тақдирда ҳам Маҳсулотларни харид қилиш тўғрисидаги шартномага камида иккита бошқа сотувчилардан тижорат таклифлари тақдим этилиши шарт. Тижорат таклифларини йиғиш ва уларнинг ҳаққонийлиги учун Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси аппарати Ишлар бошқармасининг хўжалик шартномаларини тузиш ишлари билан шуғулланган тегишли ходими (худудий Кенгашларда Кенгаш раиси тайинлаган ходим) масъул ҳисобланади.

IV. Шартномаларни юридик экспертизадан ўтказиш

15. Шартнома лойиҳасини юридик экспертизадан ўтказиш юридик бўлим (хизмат, жалб этилган адвокат ёки шу вазифа юклатилган юрист) томонидан амалга оширилади.

16. Юридик экспертизадан ўтмаган шартномаларни тузиш (имзолаш)га йўл қўйилмайди. Юридик хизмати мавжуд бўлмаган ёки вақтинча фаолият юритмаётган (вакант, меҳнатга лаёқатсиз, таътил, хизмат сафари ва бошқа) ҳолатлар бундан мустасно.

17. Юридик экспертиза учун юридик бўлимга (хизмат, жалб этилган адвокат ёки шу вазифа юклатилган юристга) қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

шартнома лойиҳаси (лойиҳада масъул ва манфаатдор бошқа ходимларнинг имзолари бўлиши лозим. Бунда, масъул ходимнинг имзоси тижорат таклифларини ҳақиқийлигини, бошқа манфаатдор ходимларнинг имзолари эса шу шартнома шартларига рози эканлигини билдиради;

шартномани тузиш зарурлиги, яъни Маҳсулотлар сотиб олиш учун шу масаланинг ташаббускори бўлган Бўлим раҳбарининг билдириш хати (раис ёки унинг ўринбосарини резолюцияси билан);

тижорат таклифлари (таклифни берувчи томондан тасдиқланган ҳолда);

мавжуд бўлганда Танлов комиссиясининг хулосаси.

18. Юридик экспертизага тақдим этилган шартнома лойиҳаси билан келишув масъул шахсининг, шунингдек унинг экспертизадан ўтказилганлиги ҳақидаги имзолар юридик хизмат ходимининг фамилияси, исм-шаърифи кўрсатилган ҳолда шартноманинг охириги бети пастки қисмида қўйилади. Танлов комиссияси хулосаси (баённома) мавжуд бўлган ҳолат бундан мустасно.

Танлов комиссияси хулосаси (баённома) билан юридик хизматга экспертизадан ўтказиш учун тақдим этилган шартнома лойиҳалари ҳам юридик хизмат томонидан кўриб чиқилади ва имзоланади.

19. Тартиб талабларига жавоб бермайдиган шартнома лойиҳаси юридик экспертизадан ўтказишни рад этишга асос бўлади.

20. Мазкур Тартиб талабларига мос равишда тақдим этилган шартнома бир иш кунидан кечикмай юридик экспертизадан ўтказилиши лозим.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси раиси (худудий Кенгаш раиси) шартнома юзасидан ёзма равишда юридик хулоса берилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

21. Зарурат туғилганда юридик бўлим (жалб этилган адвокат ёки шу вазифа юклатилган юрист) юридик хулоса учун қўшимча ҳужжатларни тақдим этишни сўраши мумкин.

22. Тузилган шартномалар ташкилот молия хизмати (ҳисобчиси) томонидан “Шартномаларни рўйхатга олиш китоби”да қайд этилади.

Чиқиш шартномасининг рақами молия хизмати (ҳисобчиси) томонидан чиқувчи шартномаларни рўйхатга олиш китобида қайд этиш рақами асосида берилади.

23. Юридик экспертизадан ўтган шартнома фақат ташкилот раҳбари ёки тегишли тартибда ваколат берилган бошқа шахс томонидан имзоланади.

V. Яқуний қоидалар

24. Тузилган шартнома ташкилот молия бўлими (бухгалтерия)да унинг бажарилишини назорат қилиш учун сақланади.

25. Тўлиқ бажарилиши таъминланган шартномалар молия хизмати (бухгалтерия) томонидан уч йилгача бўлган муддатда сақланиб, кейинчалик Ташкилот архивига икки йил муддат давомида сақлаш учун топширилади.